



## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОГНИТИВЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

*Ганиев Темирбай Султанбаевич – катта ўқитувчи*

*Қорақалпоғистон Республикаси педагогик маҳорат маркази*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тарих дарсларида ўқувчиларнинг когнитивлик қобилиятини ривожлантиришда иллюстрациялар фойдаланиш усуллари ва уларнинг афзалликлари тўғрисида сўз этилган.

**Калит сўзлар:** Ислоҳот. Тарих. Интерфаол. Иллюстрация. Бир вақтда бир сўз ўйини. Расмни тушунтириш методи. Тарихий мозаика машиқи

Бугунги кунда таълим тизими, айниқса, халқ таълими тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор мажлисида таълим сифатини ошириш, барча раҳбар ва мутахассис ходимларнинг маъсулияти ва малакасини ошириш, хорижий тажрибалар асосида мактаб таълим тизимида янги методикаларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди [1]. Бу билдирилган фикрлардан ҳар бир фан ўқитувчиси ўзига хулоса қилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг мақсад ва вазифалари, асосий принципларида ўқувчиларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш белгилаб қўйилганлиги ҳар бир ўқитувчини ўз дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишни талаб қилади [2]. Лекин, бугунги кунда фанларни ўқитишда фаннинг асосий методлари билан бирга тавсия қилинган интерфаол методларни қўллашда ўқитувчиларда айрим муаммолар бор эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу муаммо бугунги кунда ҳар бир ўқитувчини ўз устида ишлаш ва янги методикаларни ўз фаолиятига жорий этишни талаб этмоқда. Бу жараёнда педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази профессор-



ўқитувчиларига катта вазифалар ва маъсулият юклайди. Ушбу ходимлардан мактабдаги фан ўқитувчиларига методик ёрдам бериши, уларнинг касбий ривожланишига ёрдам бериши талаб қилинади.

Ўқувчилар онгида тарихий билимларни шакллантиришда бугунги куни таълим тизимига кенг жорий қилинган ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгаллиги илмий-методик адабиётларда қайд этилган [3.160-161]. Бунга асосий сабаб, тарих дарсларида қўлланилаётган методлар ўқувчиларнинг ўтилган мавзуларни осон ўзлаштиришига, тарихий воқеаларга мустақил тарзда ўз мунасабатларини билдиришга, воқеалар кетма-кетлигини мантиқий кетма-кетликда тушунишга ва эслаб қолишга, синхрон тарзда даврлар, ҳудудлар, давлатлардаги бўлиб ўтган тарихий воқеаларни таққослаб, чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун асосий курол ва билим манбаи бу дарслик ҳисобланади. Лекин, ушбу дарсликларда берилган маълумотларни ўқувчилар қандай ўзлаштирмоқда, ўқувчиларни қандай қилиб самарали ўқитиш мумкин, берилган маълумотлари қайси усуллар билан етказиб берган мақул ёки тарих дарсларида иллюстрациялардан билан ишлашда қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади деган саволлар ҳар бир ўқитувчини ўйлантириши табиий ҳол.

Шунинг учун, ушбу мақоламизда дарсликда берилган иллюстрациялар билан ишлашда ва ўқувчиларда тарихий билимларни шакллантиришда яхши самара берадиган усулларни кўриб ўтамыз.

#### **Бир вақтда бир сўз ўйини [4]**

Биз ўтилган мавзу бўйича синф билан биргаликда суҳбат тузишимиз керак. Ўйинни ташкил этиш учун дарсликда берилган расмлардан бири танланади. Ўйин тартиби бўйича расмда нима тасвирланганлигини ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси фақат битта сўз билан айтиши мумкин. Ўқувчилар ўтирганларга занжир бўлиб давом этиши мумкин. Агар, ўқувчи узоқ вақт ўйланса, ҳаракатни ўтказиб юборади. Бундай ҳолатда диққатни кучайтирувчи шартни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ўқитувчи исталган вақтда

занжирни тўхтатиб, синфнинг нариги учида исталган бир ўқувчидан сўраши ва ўйинда давом этиши мумкин.

Кейин ўқитувчи ўйин оқимини занжирда ҳали иштирок этмаган синфнинг кейинги қисмига ўтказади. Шунингдек, ўқитувчи ҳар сафар кимнинг давом эттиришини кўрсатиши мумкин. Бу ўйин кўпинча аввалгисига қараганда қизиқарли бўлиб чиқади, лекин, бир қарашда улар ўхшаш бўлиб туюлсада. Айрим ўқувчидан олинган воқеани доскага ёки дафтарга ёзиш тавсия этилади, шундай қилиб у кейинчалик уни турли позициялардан таҳлил қилиши мумкин. Мактаб ўқувчилари ҳикоянинг самарали вариантини катта қизиқиш билан тинглайдилар ва таҳлил қилишда иштирок этадилар.


Ўйиннинг яна бир версияси - икки иштирокчи бир вақтнинг ўзида бир сўз билан ҳикоя тузади. Шу билан бирга, ўйин рақобат элементини юзага келтиради. Ўйин танқидий фикрлаш ва хотира самарадорлигини, бошқаларни тинглаш қобилиятларини ривожлантиради.

### **Расмни тушунтириш методи**

Керакли материаллар: серияли расмлар.

Ўқувчиларга расм кўрсатилиб ҳикоя қилиб бериш сўралади.

*Намуна:[5]*



Зарур бўлганда ҳикоянинг янги сўзларини олдиндан ўргатиш мумкин. Расм ҳикоянинг бир қисми эканлиги эслатилади. Ўқувчиларга расмда тасвирланган воқеадан олдин нима бўлганлиги ва воқеадан кейин нима бўлиши тахмин қилинади. Ўқувчиларнинг ўз вариантлари тинглангандан сўнг воқеа тўлиқ тушунтириб берилади.



Ўқувчилар ўзлари тузган ҳикоя билан воқеанинг ҳақиқий сюжетини таққослайдилар.



Ўқувчиларга воқеадаги асосий фикрни топиш топширилади.

Гуруҳда муҳокама қилинади.

#### **"Тарихий мозаика" машқи [4]**

Жамоанинг иши тарихий мавзудаги машҳур расмлардан бири бўлган кичик бир қисми (масалан, 1/8 ёки 1/4 қисми) билан бошланади.

Агар иштирокчилар унинг кимлигини тахмин қила олмаса, бўлаклар икки баравар кўпаяди.

Жамоа расмдаги қайси ёдгорлик, давр, тарихий шахснинг исмини қанчалик тез билиб олса, шунча кўп балл олади.

Тарихий мозаика машқидан тарих дарсларида иллюстрациялар билан ишлашда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Шундай экан, тарих дарсларида берилган материалнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасига дарснинг тўғри ташкил этилиши, уни етказиб бериш методлари, усулларининг мавзуга мос танланганлиги ва қўлланилганлиги муҳим ҳисобланади деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, юқорида тавсия қилинган интерфаол методлар ва машқлар ўқувчиларда иллюстрациялар ёрдамида ўқувчиларда когнитивлик қобилиятларни шакллантиришга ўзининг



ижобий таъсирини кўрсатади, ўрганган назарий билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатади, дарсни самарали ташкил этишига ёрдам беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 апрельдаги видеоселектор мажлиси
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг “Умумий ўртатаълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 17-декабрдаги 406-сон буйруғи
3. Тошпўлатов, Я.Ғаффоров, Тарих ўқитиш методикаси. (дарслик) Т-2010. Турон-Иқбол 326 б
4. Симбаева С. Белсенді оқу мен оқытуда қолданылатын әдістер (әдістемелік құрал) «Тұран-Астана» университеті баспаханасы, Нұр-Сұлтан- 2019.- 133 б
5. Сагдуллаев А.С. Костецкий В. А. Тарих (Қадимги дунё) Т-2022